

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Тарих-фалсафа факультети
Ўзбекистон тарихи кафедраси

КУРС ИШИ

МАВЗУ: МИЛЛАТЛАРАРО
МУНОСАБАТЛАР МАДАНИЯТИ.

Бажарди: Ўзбекистон тарихи мутахиссиллиги
1 курс магистранти Муратова
Марғуба

Текширди: доц. Алиева Ф.С

САМАРҚАНД-2011

РЕЖА:

1. Миллатлараро муносабатлар маданияти тушунчаси, унинг тузилиши ва вазифалари.
2. Миллатлараро муносабатлар маданиятининг асосий тамойиллари, даражаси, ривожланиш мезонлари.
3. Миллатлараро муносабатлар маданиятининг инсон ва жамият учун аҳамияти.

1. МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР МАДАНИЯТИ ТУШУНЧАСИ, УНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Миллатлараро муносабатлар маданияти мамлакатимизни демократлаштириш, модернизация ва ислохотларни амалга оширишда ҳамда миллатлараро тотувлик, ҳамкорликни мустахкамлаш, барқарор бўлиши учун муҳим ўрин тутди. Ўзбекистон Президенти Ислон Абдуғаниевич Каримов таъбири билан айтганда: «... кўп миллатли ва кўп тилли мамлакатларда уз давлатларига ном берган асосий миллат билан бу мамлакатларда истиқомат қилувчи этник озчилик ўртасидаги ўзаро муносабатлар ички сиёсий барқарорлик ва миллий хавфсизликнинг ҳал қилувчи шартларидан бири бўлиб қолмоқда»¹.

Миллатлараро муносабатлар маданиятини кенг маънода миллатлар ўртасидаги уйғунликни таъминловчи кучли, қудратли маънавий омил дейиш мумкин. Бу уйғунлик иқтисодий, сиёсий ривожланишга рағбатлаштирувчи таъсир кўрсатади. Иккинчидан, миллий маданиятларнинг бир-бирига таъсири ҳам шу давлатда яшовчи «халқларнинг маънавий ахлоқий учун яхши манбага айланган»². Демак, миллатлараро муносабатлар маданияти миллий маданиятларнинг бир-бирига таъсири ва миллатлар ўртасидаги уйғунликни тақозо этади. Миллатлараро муносабатлар маданиятини шакллантириш, тарбиялаш масалалари ўтиш даврини бошидан кечираётган Ўзбекистон учун жуда долзарбдир. Республикамизда бундай вазифани бажариш имкониятлари, амалга оширишнинг шарт-шароитлари мавжуд. Масалан, Марказий Осиёнинг туб халқлари, жумладан ўзбек халқига мос «миллий-маънавий кенгфёъллик» (Ислон Каримов) ана шу вазифани рўёбга чиқаришнинг маънавий-тарихий илдизларидан оиридир. Миллий-маънавий кенгфёъллик минг йиллар давомида ўзбек, тожик, туркман, қозоқ, қирғиз халқларининг маданияти ва руҳиятининг таркибий қисмига айланиб кетган. Бу ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти қуришнинг мустаҳкам пойдеворларидан бири, маънавий тараққиётимизнинг кафолатидир. Дастлабки хулосалардан бири шуки; республикамизда олиб борилаётган миллий сиёсат йўналишларидан бири миллатлараро муносабатлар маданиятини шакллантириш бўлиб, бу сиёсатда жиҳатни ҳисобга олиш зарур: 1. миллий маданиятларнинг бир-бирига таъсири. 2. миллатлараро уйғунлик. 3. ўзбек ва Ўзбекистонда яшаётган тожик, туркман, қозоқ, қирғиз халқлари менталитетидаги миллий-маънавий кенгфёъллик ва уни миллий муносабатларни уйғунлаштиришдаги роли. Ана шундагина, фикримизча, миллатлараро муносабатлар маданиятини шакллантиришга қўйилган янги давр талабларини бажариш енгиллашади.

Ўзбекистонда миллатлараро муносабатларнинг оптимал ривожини учун барча имкониятлар яратилган. Бу эса Ўзбекистонда яшовчи барча халқларда умумфуқаровий менталитетнинг (ўзбекистонлик) шаклланишига ижобий

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ватараққиёт кафолатлари. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида: Том 6, Т.; 1998, 77 бет.

² Каримов И.А. Ўша асар. 78-бет.

таъсир кўрсатади. Бунинг учун ҳуқуқий кафолат бор: Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасида кўрсатилганидек, «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар қонун олдида тенгдирлар». Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ, «Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади» (4-модда).

Ўзбекистонда олиб борилаётган миллий сиёсатнинг инсонпарварлик ва демократия тамойилларига асосланиши мустақиллик даврида рўй бераётган миллий уйғониш жараёнларида на фақат ўзбек халқининг, шу билан бир қаторда Ўзбекистонда яшаётган бошқа халқларнинг ҳам қатнашувига имкон бермоқда. Демак, миллий сиёсатнинг устивор йўналиши миллий муносабатларни уйғунлаштириш. Бу эса ўз навбатида миллатлараро муносабатлар маданиятини шакллантириш вазифасини қўядики, бу вазифани бажаришга киришишдан олдин миллий истиқлол ғояси, ҳақуқ, маънавият асослари таълим йўналишини битирувчи мутахассислар, умуман бу вазифани бажаришга алоқадор барча касб эгалари миллатлараро муносабатлар маданияти асослари ҳисобланмиш иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маънавий соҳаларда жаҳон миқёсида, жумладан, Ўзбекистонда мустақиллик даврида бўлаётган жараёнлар билан яхши таниш бўлиши, миллатлараро муносабатлар маданияти тушунчаси, унинг тузилиши ва вазифалари, унинг тамойиллари, даражаси, ривожланиш мезонларини таҳлил қила билиши, миллатлараро муносабатлар маданиятининг инсон ва жамият учун аҳамиятини англай билигли зарур. Бундан ташқари миллатлараро муносабатлар маданияти масалаларини ижтимоий тараққиёт муаммолари билан боғлай билиш ҳам муҳимдир.

Миллатлараро муносабатлар маданиятининг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий-маънавий аҳволи совет даври ва мустақиллик даври воқеилиги билан ўзаро таққосланган ҳолда юқорида кўриб чиқилган эди. Энди галдаги вазифаларимиздан бири - бу миллатлараро муносабатлар маданияти тушунчаси, унинг тузилиши, вазифаларини кўриб чиқишдир. Биз аввало, «миллатлараро муносабатлар маданияти»³, «миллатлараро алоқа маданияти»⁴, «миллатлараро мулоқот маданияти» тушунчалари нўртасида фарқлар, ўхшашликларни аниқлаштиришимиз зарур. Бу тушунчалар инсон ва жамият маданиятининг турли қирраларини мазмун жиҳатидан бир хил акс эттирувчи тушунчалардир. Бу тушунчалар ўртасидаги фарқларни тўлароқ англаш учун маданият тушунчасига бир нигоҳимизни қаратиб, хулоса чиқаришимиз керак. Биз учун маданиятга берилган таърифлар ичида маданият инсон фаолияти, жамият тараққиётининг сифат кўрсаткичи деб берилган таъриф маъқулроқ. Шундан келиб чиқиб ёндашадиган бўлсак,

³ Саид Шермухамедов. Ижтимоий тараққиётда миллатлараро алоқа малаиияти. Т. 1998.

⁴ Фалсафа. Қомусий луғат. Т.. 2004. 261-262-бетлар.

«миллатлараро мулоқот маданияти» тушунчасидаги асосий урғу—икки ёки ундан кўп-турли миллат вакилларининг муомала маданиятига берилган. «Миллатлараро мулоқот маданияти-шахснинг бошқа халқларга уларнинг вакиллари билан бавосита ёки бевосита мулоқот муносабатида намоён бўлувчи маданияти: Инсон миллатлараро муносабат жараёнида ўз миллатининг вакили сифатида ижтимоий ролда чик,ади. Напижада шахс ижтимоийлашув жараёнида ўз халқи буюк тарихий ривожлатиш жараёнида тўплаган маънавий кадриятлар, одоб-ахлоқ, муомала маданияти, мезонларини ўзлаштиради. Икки миллат-икки маданият икки тилга мансуб кишилар орасида юзага келувчи мулоқотда ана шу фарқлар намоён бўлади. Бир-бирига яқин халқларда (масалан, тожик, ўзбек, туркман, қозоқ, қирғиз) фарқлар тилда сезилади. Бир-биридан жуғрофий жиҳатдан узоқроқ жойлашган миллатлар мулоқоти мураккаброқ кечади. Улар нафақат бир-бирларининг тилларини тушунмайдилар, балки бир-бирларининг хатти-ҳаракатларида фарқлар борлиги (муомала маданиятида) ни сезади. Масалан, латин америкаликлар, Европа халқлари вакиллари мулоқот пайтида суҳбатдошининг кўзларига тик қараб турадилар, оқилоқларда эса суҳбатдошининг кўзига тик қараб туриш (кўзни лўқ қилиб туриш) беадабликни (одобсизликни) англатад⁵».

Энди «Миллатлараро алоқа маданияти» тушунчасига диққатимизни қаратамиз. Академик Саид Шермухаммедов «... Миллатлараро алоқа маданияти - бу миллатлар, элатлар, минтакалар, бутун инсоният ҳамжамиятининг барча соҳалар ва кўринишларда яхшилик қилиш ҳамда бир-бирини ўзаро тушуниш асосида ҳаракат қилишни англаб етишдир. Бу инсонпарварликни рўёбга чиқариш ва ривожлантириш усули, шаклидир»⁶ - деб таърифлайди. Миллатлараро алоқа маданиятининг бундай талқин қилиш асосида яхшилик, эзгулик ахлоқий мезоний тушунчалари ва инсонпарварлик ахлоқий тамойили ётади. Агар маданиятни халқларни бирлаштирувчилик, жипслаштирувчилик, уйғунлаштирувчилик вазифасини бажарувчи шакли-ахлоқий маданият эканлигини ва умуминсоний маънавият ўзагини ахлоқ ташкил этишини ҳисобга оладиган бўлсак бу таърифнинг аҳамияти яққол кўзга ташланади. «Миллатлараро муносабатлар маданияти» тушунчаси фикримизча, «миллатлараро мулоқот маданияти», «Миллатлараро алоқа маданияти» тушунчаларидан ҳам кенгроқ ва мазмунан бойроқ тушунчадир. «Масалани таҳлил этиш шуни кўрсатадики, - деб таъкидлайди Қ.Хоназаров, - мустақиллик шароитида миллатлараро муносабатлар уч негизга асосланиши керак: Цивилизация. Бозор иқтисодиёти ва миллат. Цивилизациянинг барча ютуқларини, моддий ва маънавий бойликларини билиб, улардан ҳар томонлама хабардор бўлган, шу билан бир қаторда бозор муносабатларининг барча талаб ва шартларини, унинг бутун пасти баланди, қонун ва қоидаларини эгаллаб олган ва айни вақтда ўз миллатига садоқатли инсонгина ўзини маданиятли одам деб атай олади»⁷.

⁵ Қаранг: Фалсафа. Қомусий луғат. Т., 2004, 261-262-бетлар.

⁶ Саид Шермухаммедов. Ижтимоий тараққиётда миллатлараро алоқа маданиятининг аҳамияти. Т., 1998, 25-бет.

⁷ Хоназаров Қ.Мустақиллик ва миллий муносабатларнинг ривожланиши. Т., 2001, 48-бет.

Ушбу хулосавий таърифнинг учта жиҳатини ҳисобга оладиган бўлсак, миллатлараро муносабатлар маданиятини шакллантириш жарасни бозор иқтисодиётига ўтиш даврини ботдан кечираётган ва ўз цивилизациясини ҳамда жаҳон цивилизацияси ютуқларини фаол ўзлаштираётган халқларда узоқ давом этиши аниқ бўлиб қолади. Қ.Хоназаров цивилизация, бозор иқтисодиёти ва миллатни (миллий ўзликни, англашни) миллатлараро муносабатлар маданиятининг учта таянчи деб ҳисоблайди. «Янгича миллатлараро муносабатлар маданиятини тарбиялаш инсонни (миллатни ҳам - Ҳ.Р.З.) ҳозирги замон цивилизацияси даражасига кўтаришдан бошланиши керак... Миллатларни ва элатларни ҳақиқий янгича миллатлараро муносабатлар маданияти йўлига бошланшинг асосий омиларидан бири ҳар бир инсонни, миллатидан қатъи назар, ҳозирги замон цивилизацияси қадриятлари билан, бойликлари билан қуроллантиришдир, миллий чекланганлик муҳитидан умуминсоний, умумбашарий цивилизация оламига олиб чиқишдир... инсоният яратган барча маънавий бойликларни ўзлаштирган, цивилизация ютуқларини ўзида мужассамлаштирган, маданият оламини ўз бойлигига айлантирган инсон моҳиятан босиб ўтгап йўлини, бундай йўлнинг кўтарилиш, пасайиш ва бурилиш сабабларини, ҳозирги даврда байналмилалчиликнинг инсоният тараққиётида зарур ва ягона оқил йўл эканлигини билади ва тушунади, шуларга қараб ўз ҳатти-ҳаракатларини, фаоллик йўналишларини белгилайди». Бозор иқтисодиётига асосланган ҳукуқий давлат ва демократик жамиятдаги мавжуд шарт-шароитларнинг ўзи миллатлараро муносабатлар маданиятини тарбиялайди, байналмилал руҳни сингдиради. Бозор иқтисодиёти - бу миллатлараро муносабатлар маданиятининг иқтисодий асосидир.

Демак, миллатлараро муносабатлар маданияти маънавий ҳаётнинг, умуминсоний маданиятнинг ажралмас таркибий қисми бўлиб, жамиятнинг сифат кўрсаткичи сифатида ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларига, жумладан ижтимоий, миллий муносабатлар соҳасига ҳам кириб бориб, миллатларнинг бир-бирига яқинлашуви, ўзаро тушунишини, дўстлигини мустаҳкамлайди.

Миллатлараро муносабатлар маданиятини шакллантириш, тарбиялаш миллий ўз-ўзини англаш, миллий ғурур, миллий ифтихор сингари олий туйғуларни шакллантириш билан узвий олиб борилсагина яхши натижа беради. Чунки, миллий ўзликни англаш даражаси юқори бўлган, миллий ғурури, миллий ифтихори юксак ривожланган кишида миллатчилик, миллий айирмачиликка, ўз миллатини бошқа миллатлардан устун қўйишга мойиллик бўлмайди, бундай фазилатларга эга бўлган шахсда бошқа миллатларга ҳурмат ҳисси юқори бўлади.

Миллатлараро муносабатлар маданиятнинг тузулишига қуйидаги унсурлар киради:

1. Миллатлар, элатлар. ирқларнинг ўзаро бир-бирини ҳурмат қилиш;
2. Миллий тилларнинг ривожланишини қўллаб-қувватлаш;
3. Бошқа миллатлар ва ўз миллий тарихини билиш ва ҳурмат қилиш;
4. Миллий маданият, санъат, урф-одатлари ўзаро ҳурмат ривожланиш шарт-шароитларини яратилишига кўмаклашиш.
5. Миллий турмуш тарзини англаш;

6. Милийлик билан диний урф-одатларни чамбарчас боғлиқлиги, уларнинг умумий ва ўзига хос томонларини фарқлаш;

7. Миллий феъл-атвор хусусиятлари;

8. Миллий ўзликни англаш⁸.

Маълумки, маданият маълум бир вазифаларни бажаради. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, миллатлараро муносабатлар маданияти куйидаги вазифаларни бажаради:

1. Турли миллат, элатларни бир-бирига яқинлаштириш асосида улар ўртасида дўстлик ва ўзаро ҳамкорликни кучайтириш. Бунга асос қилиб умуминсоний қадриятлар олиниши керак. (Эркинлик, тенглик, тотувлик, барқарорлик, эзгулик ва б.). Бу - миллатлараро муносабатлар маданиятининг миллат, элатларни жипслаштирувчи, яқинлаштирувчи, миллий маданиятларни бир-бирига уйғулаштирувчи функцияси (вазифаси).

2. Миллатлараро алоқа маданияти билиш функцияси (вазифаси)ни ҳам бажаради. Бу маданият нафакат ўз миллатининг тилини чуқур билишга балки бошқа тилларни ўрганиш, билиш, ҳурмат қилишга чақиради. Бу эса миллатлараро мулоқотни енгиллаштиради, бошқа халқларнинг миллий урф-одатлари, маросимлари, миллий турмуш тарзини, миллий характери, хуллас, миллий тарихи, маданиятини билиб олишга имкон беради. Таркиби (сони) дан қатъий назар ҳар бир халқ, ўз маданиятига эга. Марказий Осиё халқлари миллий муносабатларининг бир-бирига яқинлиги ўзбек, қozoқ, тожиқ, туркман, қирғиз, миллатларининг ўзаро бир-бирини билишини (тарихи, маданиятини) енгиллаштиради. Аммо шу жиҳатни англамаган чет эллик айрим сиёсий арбоблар, журналистлар Марказий Осиё халқларини бир-бирига қарама-қарши қўйишга, миллий устунлик тўғрисида афсоналарни тарқатишга уринмоқдалар. Ана шундай афсоналардан бири - Марказий Осиёда Қозоғистон ёки Ўзбекистон президенти йўлбошчи (лидер) ми деган журналистлар уйдурмасига Ислом Каримов зарба бериб. Ўзбекистон, Қозоғистон халқаро ҳуқуқнинг тенг аъзолари, мустақил давлатлар деб таъкидлади. (Тошкент, 20-март, 2006 й.)

3. Миллатлараро муносабатлар маданияти тарбиявий вазифа (функция)ни ҳам бажаради. Бу - унинг билиш вазифаси билан боғлиқ. Олдинроқ таъкидлаганимиздек, Марказий Осиё халқлари муносабатлари маданияти тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Азалдан тотувлик, эркинлик, бағрикенглик, тинчликка интилиб яшаган бу халқлар феъл-атвори, бошқа халқлар вакилларига нисбатан ва ўзаро бир-бирига нисбатан муносабатидаги кенгфеъллик минг йиллар давомида «она сути» билан шаклланган ижтимоий-маънавий муҳит таъсирида тарбиялашган. Ушбу далил халқлараро (миллатлараро) муносабатлар маданиятининг тарбиявий вазифани бажаришига яққол мисол бўла олади. Ана шундай тарбиянинг натижаларидан бирини Ислом Каримов таъкидлаб ўтади: «Хапқимиз ва давлатимизнинг тарихий хотирасида антисемитизм, ирқчилик ва ўзга миллатга, ўзга халққа менсимасдан, ҳурматсизларча муносабатнинг бошқа

⁸ Қаранг. Саид Шермухамедов. Ижтимоий тараққиётда миллатлараро алоқа маданиятининг аҳамияти. Т., 1998, 13-бет.

шакллари намоён бўлган шармандали саҳифалар йўқлиги билан фахрланади.»⁹

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнининг зиддиятлари демократик фуқаролик жамияти қуриш талаблари миллатлараро муносабатлар маданиятининг асосий тамойиллари, даражаси, ривожланиш мезонларини ҳам янгича таҳлилий нигоҳдан ўтказишини тақозо қилмоқда.

⁹ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. 1', 1998, 479-бет.

МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР МАДАНИЯТИНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ, ДАРАЖАСИ, РИВОЖЛАНИШ МСЗОНЛАРИ.

Юқорида таъкидланганидек, миллатлараро муносабатлар маданияти миллатлар ва элатлар ўзаро алоқалари, таъсири жараёнида шаклланади.

Халқаро ҳамкорлик ва мамлакат ичидаги миллатлар, элатлар ўртасидаги ҳамкорлик ўзаро таъсир натижасидир. Жамиятдаги бар қарорлик ана шу омилга кўп жиҳатдан боғлиқ.

Миллатлараро муносабатлар маданияти субъекти (эгаси) алоҳида олинган бир миллат эмас. Ер юзидаги халқлар (миллатлар, элатлар) яшаётган давлатларнинг полиэтник хусусиятини ҳисобга оладиган бўлсак, миллатлараро муносабатлар маданиятининг мавжудлиги нақадар аҳамиятлидир. Ривожланган давлатларда бу масалага демократик тамойилларга (масалан, қонун устуворлиги, сайлдовлар, кўппартиявийлик, инсон ҳуқуқларининг устуворлиги ва х.к.) асосланиб муносабатда бўладилар. Ўзбекистон ҳам демократик тамойилларга асосланган миллатлараро муносабатлар маданиятини шакллантириш йўлидан бормоқда. Шу муносабат билан савол туғилади: Миллатлараро муносабатлар маданияти асосланадиган тамойиллар ҳам реал мавжудми? Ҳа мавжуд. Бу тамойиллар демократик жамият, ҳуқуқий давлат куриш эҳтиёжларидан келиб чиқили ва қуйидагиларда намоён бўлади:

1. Миллатлар, элатларнинг тарихи, маданий мероси, тиллари, адабиёти, санъатини ўзаро ҳурмат қилиш;

2. Миллатларнинг бир-бирини ўзаро тушуниши, ягона мақсад йўлида-фуқаролик жамияти куриш сингари мақсад атрофида бирлаша билиш.

3. Миллий, миллатлараро хайрихоҳлик, миллатлараро ҳамкорлик.

4. Маданиятнинг ҳамма соҳаларида миллий ва умуминсоний қадриятларнинг устуворлиги (санъат, адабиёт, таълим тизими, оммавий ахборот воситалари ва х.к.).

5. Миллатлар, элатлар, минтақалар, мамлакатларнинг тенг ҳуқуқлилиги асосида барча соҳаларда, барча даражаларда бир-бирига ёрдамлашуви.

6. Дунёқарашлар, эътиқодлар, фикрлар эркинлиги.

7. Инсон ҳуқуқлари ва эркинлигини акс эттирувчи бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга риоя қилиш .

8. Инсонпарварлик, ўзаро меҳр-муҳаббат, миллатлараро муносабатларда сабр-тоқат, муроса.

9. Инсон қадр-қиммати ва миллий ғурурини ҳурматлаш.

10. Миллий маданиятларнинг ўзаро таъсири, бир-бирига яқинлашиш, маданий ҳамкорлик.

11. Инсоният ҳдмжамиятида ўз миллати, элати, мамлакатнинг бошқа миллатлар, элатлар ва мамлакатларнинг тутган ўрнини, тафовутлар ва ўзига

хос хусусиятларни мустаспо қилмайдиган лекин умуман алоҳида манфаатларга зид келмайдиган мақсадлар ва вазифаларнинг муштараклиги¹⁰.

Демак, бу тамойиллар миллатлараро муносабатлар маданиятининг ҳам мазмунини, ҳам шакл билан мазмун ўртасидаги алоқадорликларни акс эттиради.

Миллатлараро муносабатлар маданиятининг ривожланиш тамойиллари устувор бўлган давлатларда унинг даражаси ҳам кўзга ташланади. Барча миллатлар учун бозор иқтисодиёти маҳсуллари билан баҳраман бўлиш, шахс эркинликларининг тўла тامينланганлиги, фуқароларнинг моддий, маънавий фаровонлик имкониятларини реал воқеликка айланганлиги миллатлараро муносабатлар маданиятининг даражаси юқори эканлигидан дарак беради. Бу жамият миқёсидаги миллатлараро муносабатлар маданиятининг ривожланганлик белгиларидир. Бундан ташқари, шахс ҳам миллатлараро муносабатлар маданияти субъекти бўлади. Алоҳида олинган инсонда ушбу маданият ривожланиш даражасини қандай аниқлаймиз? Буни биз икки йўл билан аниқлашимиз мумкин:

1. Конкрет инсоннинг ҳатти-ҳаракатлари, бошқа миллат вакилларига бўлган муносабатлари орқали;

2. Социологик тадқиқотларга асосланиб, хулосалар, назарий умумлашмалар чиқариш орқали. Иккинчи йўл (усул) ўта машаққатли бўлсада, аниқ маълумотлар олиш имконини беради. Масалан, Ўзбекистонда жамоатчилик фикрини ўрганувчи «Ижтимоий фикр» Маркази томонидан 1999-2004 йиллар давомида ўтказилган социологик тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий, сиёсий, маънавий ҳаёт соҳалари қанчалик ютуқлар билан бойиб борса, тараққий қилса мамлакатимизда яшаётган халқларнинг умумфуқаровий менталитети шаклланишининг шарт-шароитлари, асослари шунчалик мустаҳкамланади. Бу социологик тадқиқотларда фуқаролик бирлик сари интилиш жараёнларига ижобий ва салбий таъсир этувчи омиллар ўрганилди¹¹.

Республикада яшаётган миллат, элатларнинг миллий ўзлигини ўсиш жараёни миллатлараро муносабатлар маданиятининг шаклланишига ижобий таъсир қилади. Масалан, Ўзбекистонда яшовчи миллатлар вакиллариининг миллий-маданий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилувчи жамоат ташкилотлари миллий-маданий марказлар фаолиятига айнан юқорида чиқарилган хулоса нуқтаи-назаридан эътибор берайлик. Бу марказлар муайян миллатга хос бўлган миллий маданият, тил, урф-одат, анъана ва таомилларни ўрганиш, сақлаб қолиш ва ривожлантиришдан манфаатдор Ўзбекистон фуқароларини ихтиёрий - бирлаштиради. Ана шу мақсадни амалга ошириш учун республикада яратилган қонунчилик, маданий-маънавий шарт-шароитларнинг ўзиёқ мустақиллик неъматларидан фойдаланаётган муайян миллатга, унинг умуминсоний маданий савиясига умумфуқаровий

¹⁰ Қаранг: Саид Шермухамедов. Ижтимоий тараққиётда миллатлараро алоқа маданиятининг аҳамияти. Т.: 1998. 24-25-бетлар.

¹¹ Қаранг: Назаров Н.А. Жамъиятда миллий-этник жараёнлар ривожининг сиёсий-фалсафий таҳлили, авторсферат. Т.. 2005. 33-бет

менталитетининг (Ўзбекистонлик) шаклланиш жараёнига ижобий таъсир кўрсатади. Агар дастлабки миллий-маданий марказлар, корейслар, яхудийлар, арманлар, қоғозлар томонидан республика вилоятларида 1989 йилдаёқ тузилган бўлса, 1992 йили уларнинг сони 10 та, 1995 йилда эса 72 та бўлган бўлса, 2003 йилга келиб 135 тага етди. Улар республика миқёсидаги маданий марказлари (12 та), Қорақалпоғистон Республикасидаги маданий марказлар (5 та), ва вилоятлар (95 та), Тошкент шаҳридаги (23 та) маданий марказлардан иборат.

Миллий-маданий марказларнинг асосий вазифаларига республикаимизнинг бошқа ташкилотлари билан ҳамкорликда мамлакатимизда фуқаролар ҳамжиҳатлиги ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашга қўмаклашишдир. Ўзбекистон Республикасида яшовчи турли миллат вакиллари республика ижтимоий, маънавий-маърифий ҳаётида фаол иштирок этишини таъминлаш миллий-маданий марказлар фаолиятининг йўналиши ҳисобланади. Демак, бу марказларнинг юқорида таъкидланган вазифаларидан маълумки, улар соф миллий вазифаларнигина ҳал қилмайдилар, балки улар ўз миллатдошларини миллатлараро муносабатлар маданиятининг фаол субъектлари бўлишларига ҳам хизмат қиладилар. Маълумки, миллий-маданий марказлар фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 13 январь қарори билан ташкил этилган Республика байналмилал маданият маркази мувофиқлаштиради. Байналмилал сўзини арабчадан таржимаси «миллатлараро» деб айтилишини ҳисобга оладиган бўлсак, бу марказнинг ўта муҳим вазифаси аён бўлади. Республика байналмилал маданият маркази¹² ўзининг бутун фаолиятини миллатлараро (байналмилал) муносабатлар маданиятини шакллантиришга йўналтириши керак.

Миллатлараро муносабатлар маданиятининг ривожланиш мезонларига қуйидагилар киради:

1. Умуминсоний қадриятларнинг устуворлигини англаш ва тан олиш. (гуруҳий, синфий қадриятларга нисбатан).
2. Умуминсоний ва миллий манфатларнинг уйғунлиги.
3. Миллий ғурурни умуминсоний (мамлакатда яшовчи бошқа халқлар ғурури) ғурури билан боғлиқ ҳолда ҳис этиш туйғуси.
4. Халқлар дўстлиги, дунё халқларини бир «оила» -эканлигини англаш.
5. Нафақат ўз миллати, балки яшаётган мамлакати, бутун инсоният тақдири учун қайғуриш.
6. Ўз миллати, яшаётган республика халқлари фаравонлиги учун меҳнат қилиш.
7. Миллий, бошқа миллатлар, демократик маданиятга доимий қизиқиш.
8. Миллий муносабатларда камтарлик, ўз миллий тили ва бошқа халқлар тилла-рини билишга интилиши.

¹² Қаранг: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 5 жилд, 663-664-бетлар.

9. Барча миллат вакилларига тенг муносабат, уларни миллий ва ирқий белгисига қараб айириш одатидан воз кечиш Ю.Шовинизм, ирқчиликка мурасасиз бўлиш. Миллатчилик, миллий каландимоғликдан холи бўлиш.

10. Жамият миқёсида миллатлараро муносабатлар ривожланишида жонбозлик кўрсатиш, шахс (ўзи) миқёсида эса миллатлараро муносабатлар маданиятни эгаллашга интилиш ва уни эгаллаш.

Юқорида қайд этилган миллатлараро муносабатлар маданияти ривожининг мезонлари (ўлчовлари) ҳар бир вакили, шахс амалий, шахс амалий фаолиятига асос қилиб олинсагина жамиятни ривожламтирувчи қудратли кучга айланади. Бу тамойиллар жамиятда ҳар бир миллатнинг яъни мамлакатда кўпчиликни ташкил этувчи ва давлатнинг номи унинг номи билан мутаносиб бўлган миллатнинг шу мамлакатда яшовчи бошқа миллатлар билан тенг ҳуқуқлиги таъминланган, барча миллат, элатлар равнақиға, миллий манфаатларига тенг эътибор берилган, демократик, ҳуқуқий меъёрлар устуворлиғига, маънавий ҳаёт ривожланишига давлат сиёсатининг устувор соҳаси деб қаралган шароитдагина, шубҳасиз, ижтимоий тараққиётнинг реал омилига айланади.

3. МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР МАДАНИЯТИНИНГ ИНСОН ВА ЖАМИЯТ УЧУН АҲАМИЯТИ.

Инсоният тарихи турли миллатлар ва элатлар орасида иқтисодий сиёсий ва маданий-маънавий алоқалар ўрнатилиб, уларнинг тобора мустахкамланиб бориши жараёнидир, мазкур муносабатларсиз ижтимоий тараққиёт амалга ошмайди.

Бутун инсоният, барча миллат, элатлар тараққиётга интилиб яшаган. Бу интилиш табиий, чунки, унинг асосида инсоннинг моддий ва маънавий эҳтиёжлари ётади. Инсон фаравон - ҳам иқтисодий, ҳам маънавий фаравон ҳаётга интилади. Бунинг учун эса халқлар ўртасидаги муносабатлар, алоқаларни йўлига қўйиш, ривожлантириш зарур. Бир халқ миллий биқиклик, бошқа халқлардан чегараланган, бошқа халқлар билан ҳамкорликсиз ўз тараққиёт йўлига чиқа олмайди.

Маълумки, Марказий Осиёда рўй берган (IX-XII ва XIV-XV асрлар) уйғониш жараёнлари, яғна давлатларнинг шаклланиши (Ҳоразмшоҳлар, темурийлар) Буюк Ипак йўлида жойлашган халқлар, элатларнинг (ғарбдан шарқга, шарқдан ғарбга) жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларини жонлантирди.

XV асрнинг охиридан бошланган буюк географик кашфиётлар, санъат тараққиёти, фан ва техника соҳасидаги оламшумул ихтиролар давлатлар ва халқлар орасида бекиёс даражада кенгайган иқтисодий ва сиёсий, маданий, маърифий ҳамда маънавий алоқаларнинг жадаллашуви олиб келди. Бу байналмилал алоқалар миллий онг ва ўз-ўзини англаш, миллий озодлик ҳамда мустақиллик ғояларининг шаклланиши ва тарқалишига илм-фан техника, маданият ва маърифат соҳаларидаги ютуқларнинг айирбошланишига кенг йўл очди.¹³ Бунинг бевосита натижаларидан бири сиёсий тарқоқ ҳудудларда XV-аср охирига келиб Франция, Англия, Испания, Россия сингари марказлашган давлатларнинг пайдо бўлишидир. XIX асрда Германия, Италияда ҳам шундай давлатлар пайдо бўлдики, бу жараёнлар XX асрда Европада миллатлараро муносабатлар маданиятини юксак чўққига кўтарилишининг бевосита тарихий бошланғич нуқталари эди. Кўп асрлик давом этган байналмилал (миллатлараро) алоқаларнинг яна бир натижаси -бу Европа - халқларининг ягона сиёсий иттифоқга бирлашуви бўлди.

Шунинг ўзи исботлайдики, миллатлараро муносабатлар маданияти юз йиллар давомида сиёсий, иқтисодий, маънавий жараёнлар билан бирга ёнма-ён шаклланиб, ривожланиб борган ва шу тариқа ижтимоий тараққиётнинг муҳим омилларидан бирига айланган. Ушбу маданиятнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти юқорида таъкидланган жиҳати билан белгиланади.

Шўролар даврида миллатлараро муносабатлар маданиятининг жамият ва инсон ҳаётидаги аҳамияти нақадар кучли жанлигига эътибор XX асрини 80 йилларидагина берила бошланди, бунинг сабаби шуки, СССР да бу даврга келиб инқирозли ҳолатлар пайдо бўла бошлаган, унда яшовчи миллат, элатларнинг миллий ўзлигини англаш кучая бошлаган эди. Бутун маданият тизимига, жумладан миллатлараро маданиятга ҳам шўролар тузумида

¹³ Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 1-жилд, Т., 2000, 584-бет.

синфийлик, партиявийлик тамойиллари орқали ёндашилди. Аслида эса байналмилал (миллатлараро) маданият умуминсоний ҳодиса бўлиб, барча халқлар ва мамлакатларнинг тараққиёт сари ҳаракатининг, мустақиллик ва миллий озодлик курашининг зўр омилидир.

Ўзбекистонда ўтказилаётган миллий сиёсат жамиятда барқарорликка қаратилган умумий ички ва ташқи сиёсат билан чамбарчас боғлиқ. Ҳар қандай давлатдаги барқарорлик шу давлат номи билан аталувчи миллат билан шу республикада яшовчи бошқа элат, миллат вакиллари ўртасидаги тотувлик, ҳамжиҳатликка боғлиқ. Бу ижтимоий тараққиётнинг муҳим омилидир. Аксинча бўлса, миллатлараро низолар жамияши бекарорликка олиб келади, унинг тараққий этишига тўсиқ бўлади. Мустақил Ўзбекистонда олиб борилаётган миллий сиёсат миллатлар, элатлар вакиллариининг эҳтиёжларини, манфаатларини ҳисобга олади. Бундай одил сиёсат миллатлараро муносабатларни илиқлаштиради, ўзаро ишончни мустаҳкамлайди. Ўз халқининг тақдири, келажагини ўйлайдиган мустақил давлатгина ана шундай миллий сиёсат олиб бориши мумкин.

Демак, мустақиллик жамият тараққиётини, миллат элатларга ўз тақдирини ўзи белгилаш, ўзига мос ривожланиш йўлини танлаш имконини беради. «Ҳар қандай мамлакатнинг тараққиёти ва дунёдаги обрў эътибори - деб таъкидлайди Ислом Каримов, - аввало, шу юртда қарор топаётган тинчлик - осойишталикка, шу ерда яшайдиган миллат ва элатларнинг тотувлигига боғлиқ».¹⁴ Фуқаролараро, миллатлараро тотувликни сақлаш, ривожлантиришнинг зарурлиги англаб етилиши керак. Бу эса халқнинг маънавий даражасига ва миллатлараро муносабатлар маданиятини тарбиялаш вазифаларини бажаришга кўп жиҳатдан боғлиқ. Байналмилал маданият - бу ҳар бир миллатнинг, бир давлатда яшаётган манфаатлари бир мақсадга йўналиштирилган миллат ва элатларнинг умумруҳий, маънавий қиёфасидир.

Агар миллий маданият, миллий онгнинг асосий вазифаларидан бири миллатни бирлаштириш бўлса, миллатлараро алоқа маданиятининг асосий вазифаси эса барча миллатларни, элатларни муайян ғоя, масалан, демократик, фуқаролик жамияти қуриш ғояси атрофида бирлаштиради, шу асосда миллатлараро, умумфуқаровий бирликни шакллантириш ва мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Миллатлараро алоқа (муносабатлар) маданиятининг инсон учун ахамияти шундаки, унга эга бўлган шахснинг маънавий-руҳий, ахлоқий, ақлий сифатлари жамиятнинг юксак талабларига мос келади. Ҳуқуқий-демократик давлат, фуқаролик жамиятининг тамойиллари кенг ёйилиб бораётган ҳозирги шароитда, миллатлараро муносабатларнинг бу жараёнга таъсирини ҳисобга оладиган бўлсак, бу муносабатлар маданиятини шакллантириш зарурлигини англаб етамиз, ягона Ватан тушунчасининг маъзини чақамиз. Ўзбекистон деб ном олган «муқаддас заминда яшаётган барча инсонлар - миллати, тили ва динидан қатъи назар, - таъкидлайди Ислом

¹⁴ Каримов И.А. Энг катта бойлигимиз мамлакатимиздаги тинчлик. Миллатлар ва фуқаролар тотувлигини кўз қорачиғимиздай асрайлик. - Озод ва обод Ватан. эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-том. 288-бет

Каримов, - Ўзбекистон менинг ягона Ватаним, деб яшайдиган, белини маҳкам боғлаб астойдил меҳнат қиладиган бўлса, билиб қўйинглар, бизни ҳеч қандай куч енга олмайди, юртимиз ва халқимиз ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди.¹⁵»

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., 2003.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. Т., 2008 й.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., 1997.
4. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаравон ҳаёт - пировард мақсадимиз. Т., 2000.
5. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. Т. 2002.
6. Каримов И.А. Ватанимиз тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжихатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ. Т., 2004.
7. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т., 2005.
8. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқи ва эркинликлари ҳамда манфаатлари - энг олий қадрият. Т., 2005.
9. Мустақиллик: изохли илмий-оммабоп луғат. Т., 1998.
10. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т., 2000.
11. Фалсафа. Қомусий луғат. Т., 2004.
12. Назаров Н.А. Жамиятда миллийлик жараёнлар ривожининг сиёсий-фалсафий таҳлили. Автореферат. Т., 2005.
13. Саид Шермухамедов. Ижтимоий тараққиётда миллатларaro алоқа маданиятининг ағамияти. Т., 1998.
14. Хоназаров Қ. Мустақиллик ва миллатларaro муносабатларнинг ривожланиши. Т., 2001.
15. Садулла Отамуротов. Глобаллашув ва миллат. Т., 2008 й.
16. Очилдиев А. Миллий ғоя ва миллатларaro муносабатлар. Т. 2004 й.

¹⁵ Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари - энг олий қадрият, Т., 2005, 47-бет.